

**Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги
ШАРТНОМА**

“05” январ 2022 й.

№ 6

Кизилтепа шаҳри

“Маҳсулот етказиб берувчи” деб аталувчи “Навоний нефт базаси” маъсуляти чекланган жамияти номидан унга 2021 йил 30 декабрда берилган 01-12 / 01-1508-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Филиал бошлиғи И.Р.Саматов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи ИИДол асосида иш юритувчи Д.Медведев номидан иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Маҳсулот етказиб берувчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмасига мувофиқ тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса нефт маҳсулотлари учун олдиндан ҳақини тўлаб қабул қилиб олиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.

1.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари миқдори, баҳоси ва муддатлари куйидаги жадвалда белгилаб қўйилади.

Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Нархи (қўшимча қиймат солиғи билан)	Миқдори	Суммаси	Етказиб бериш даври
АИ-80 (котаровка)	тн	9 688 761	4,640	44 955 851,04	I,II,III,IV чорақлар давомида
Дт ЭКО (котаровка)	тн	10 934 264			I,II,III,IV чорақлар давомида

2. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун олдиндан 100 фоиз тўловлар келиб тушгандан сўнг нефт маҳсулотлари етказиб берилади.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситаси ва сизими “Хавфли юкларни ташини кондалари”га ҳамда 1510-84 сонли Давлат стандарти шартларига мувофиқ жихозланган бўлиши лозим. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефт омбори ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотлари куйилишига руҳат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг буш келиб-кейтиши учун “Маҳсулот етказиб берувчи” жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг вакили кузатувида “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, автосизим конкоти ГОСТ 1510 асосида “Истеъмолчи” вакилининг талабига мувофиқ тамғаланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб

берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Товар-транспорт нақлиети расмийлаштирилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Маҳсулот етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёниги тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишончномасига мувофиқ маҳсулотни ёкиги тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Маъкур руҳсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёниги тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. «Харидор»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади. Маҳсулот юкланган автотранспорт воситаси “Харидор” вакили кузатувида “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омбори ҳудудидан чиқарилгандан сўнг маҳсулот миқдори ва сифати бўйича жавобгарлик ва маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи “Харидор” зиммасига ўтади. “Харидор” вакили кузатувида олиб кетилган маҳсулот миқдори ва сифати бўйича эътироз қабул қилинмайди.

3. ЎЗАРО ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ 1

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 44955851,04 сўмини ташкил қилади.

-тўловлар куйидаги манбалардан амалга оширилади:
Бюджет маблағлари ҳисобидан 44955851,04 сўм,
Махсус ҳисоб рақамдан 0 сўм.

3.2. Ушбу шартнома маҳсулот етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос бўлади.

3.3. Бюджет ташкилотларига, пахта хомашеси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжалиқларига ва пахта-тўқимачилик кластерларига, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, машиқ чинқандиларни тўшлаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналари (истеъмолчиларнинг айрим тоифалари)га дизел ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) ўрнатилган тартибда биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида сотилади.

3.4. Ушбу шартноманинг 3.3 бандида наларда тўтилган айрим тоифадаги истеъмолчилардан ташқари бошқа истеъмолчиларга маҳсулот етказиб берилиши санасида нефт базасида шаклланган сотиш нархида маҳсулот етказиб берилади.

3.5. “Истеъмолчи” нефт маҳсулотларининг харид қилинадиган партияси учун ҳақини олдиндан 100 фоиз миқдорда «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига тўлайди. Олдиндан тўлов пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Пул маблағи “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига келиб тушган маҳсулот етказиб берилади.

3.6. Маъкур шартномада шартнома тузилиши жараёнида ва санасида амалда бўлган нархи қўлланилган бўлиб, ўзаро ҳисоб китоблар маҳсулотни “Истеъмолчи”га етказиб берилиши санасида амалда бўлган нархларда амалга оширилади.

3.7. Ҳар ойнинг якуни бўйича ўзаро ҳисоб китобларни таққослаш учун “Истеъмолчи” вакилини “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг ҳузурига юборади. Якуний ҳисоб китоблар учун счет-фактура асос бўлади.

4. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

4.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» «Харидор» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифатига оид маълумотлар маҳсулот етказиб берилиши жараёнида тақдим қилинадиган сифат паспортида қайд этилади. Маҳсулот Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши лозим.

4.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Харидор» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар етказиб берилган нефт маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, «Маҳсулот етказиб берувчи» сифати зарур даражада бўлмаган нефт маҳсулотлари кийматиининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.2. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган киемининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари кийматиининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. «Истеъмолчи» га етказиб берилган нефт маҳсулотларини танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда маҳсулотни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун «Истеъмолчи» «маҳсулот етказиб берувчи»га танаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) маҳсулотлар кийматиининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Маҳсулотлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, «маҳсулот етказиб берувчи» жарима ундиришдан ташқари, ушбу маҳсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) маҳсулотлар киймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ туламаганда «Истеъмолчи» «Маҳсулот етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги «Шартномавий муносабатларни тўқдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд миқозларга ва ҳар қандай тегишли ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга («Иштирокчи Томонлар») моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, тақлифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совгалар ва бошқа мулкый имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермаслики яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини тақлиф қилмаслики, бермасликини кафолатлайди ва шунга мажбур.

- бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарини қоплайди.

5. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

5.1. Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қургокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (зурут ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиллаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбурийатларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар содир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳужжатлар асосида неботланса жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

5.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўққислик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

5.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қондага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурда ташкил этиладиган энгил бўлмайдиган қуч ҳолатлари (форс-мажор)ни тақдирлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар, жумладан ёзма тарзда эътироз хати юбориш шарт. Узоғи билан бир ойлик муддат ичида эътироз хати рад этилса ёки эътироз хати жавобсиз қолдирилса келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган жойдаги иқтисодий судга ҳал қилинади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги, газначилик бошқармаси (бўлими)да қайд этилиши шарт бўлса, газначиликда рўйхатдан ўтказилган санадан юридик қучга қиради ва 2022 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин. Шартнома қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бир томонлама «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади.

8.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади ва иккала нусхалари ҳам тенг юридик қучга эгадир.

9. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва низолари:

«Маҳсулот етказиб берувчи»

Навоий нефт база МЧЖ Кизилтепа филиали
Кизилтепа шаҳри, Озодлик кучаси 1 уй
Х/с: 2260400000306107702
«АТБ» Саноатқурилишбанк Тошкент шаҳар
Яшнобод филиали
МФО: 00432, СТИР: 200002538
Тел. рақами: 79-555-25-98;
Бухгалтерия 78-770-37-74.

И.Р.Саматов



«Истеъмолчи»

«Советбанк ТТБ»
Манзил: *Рок. 7/10/20*
Шайхунуров кўча 24/45
Тел. рақами: *99378-13-97*
Х/с: *10002260002117075*
101034001
(хизмат кўрсатувчи банк номи)
МФО: *00014*
СТИР: *2002281* ХХТУТ: *9/15/1*
И.И.Мамедов
(Ф.И.О.)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA
№ 1361**

1. Huquqiy ekspertiza qilinayotgan loyihaning turi:

Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Konimex tumani Tibbiyot birlashmasi va “Navoiy neft bazasi” MCHJ Qiziltepa filiali o‘rtasida 10.01.2022 yilda tuzilgan № 10-sonli neft mahsulotlarini yetkazib berish shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvhisi va dasturga kiritilgan sana haqida ma’lumot.

Konimex tumani Tibbiyot birlashmasi va “Navoiy neft bazasi” MCHJ Qiziltepa filiali tomonidan ishlab chiqilgan va 10.01.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Mazkur loyiha Konimex tumani yuridik xizmat ko‘rsatish markazi tomonidan, O‘zbekiston Respublikasi 1998 yil 29 avgustdagi “Xo‘jalik yurituvchi sub'yektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunining 21-moddasiga asosan ushbu shartnoma loyihagini huquqiy ekspertizadan o‘tkazildi va quyidagilar aniqlandi.

Loyiha O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018 yildagi “O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonunni amalga oshirish chora tadbirlari” to‘g‘risida”gi PQ-3953-sonli qarori bilan tartibga solingan hamda shartnoma shartlari va taraflarning javobgarligi me’yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilik talablariga mos keladi.

Yuqoridagilarga asosan quyidagicha xulosa qilindi,

XULOSA

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni imzolash qonunchilikka muvofiq.

Bosh yuriskonsult



**Sh.Bozorov
10.01.2022 yil**